


РАСМИЙ МУНОСАБАТ

Музработ тумани “Чегарачи” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи
Эшпўлатова Кенжахол ва бошқа фуқароларнинг ер масаласида қилган
муурожаати юзасидан

РАСМИЙ МУНОСАБАТ



Музработ тумани ҳокимлиги жорий йилнинг 15 март куни **туманнинг**
“Чегарачи” маҳалласида яшовчи Эшпўлатова Кенжахол ва бошқаларнинг

ижтимоий тармоқ орқали қилган муурожаати юзасидан қуйидагиларни маълум қилади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 23 ноябрдаги “Мева-сабзавотчилик ва узумчиликда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида деҳқон хўжалиklarининг улушини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-20 сонли қарори ижросини таминлаш мақсадида тумандаги “Р.Бўриев” массиви “Чегарачи” маҳалласи худудида фаолят юритиб келаётган “Холматов Фазлиддин” фермер хўжалигига тегишли 344қ дала контридаги умумий ер майдони 25,2 гектар суғориладиган ер майдони 24,9 гектар ер майдони ўз аризасига кўра Вилоят ҳокимининг 2022 йил 19 январдаги 20-8-0-Q/22-сонли қарорига асосан туман ҳокимлиги захирасига олинган.

Туман ҳокимлиги захирасига қайтарилган 24,9 гектар ер майдони мазкур қарорга асосан давлат мулки сифатида давлат кадастрлари палатаси Сурхондарё вилояти бошқармаси томонидан давлат рўйхатидан ўтказилиб, туман ҳокимлигининг бюртма хатига кўра “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институти томонидан хар бири 0,20 га дан 120 лотларга бўлиниб, ер тузиш лойхаси таёрланган ва давлат активлари томонидан электрон танловга чиқарилган.

“Чегарачи” маҳалласи фуқаролари томонидан Деҳқон хўжалиги юритиш учун ижара ҳуқуқи асосида очик электрон танловга чиқарилган ушбу ер майдонлари оқава сув билан таъминланганлик даражаси паст эканлиги сабаб қилиб, очик электрон танловда турган ер майдонлари учун бирорта ҳам электрон бюртмалар берилмаган, фуқаролар томонидан танловга чиқарилган ер майдонини бошқа жойга кўчириш таклифи берилган.

Фуқароларнинг талабидан келиб чиқиб туман ҳокимлиги томонидан “Ерэлектрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази” ДУК нинг раҳбари С.Ф.Муродовга “Чегарачи” маҳалласи худудидан деҳқон хўжалик учун электрон танловга қўйилган 120 та лотларни электрон савдо платформасидан қайтарилишини сўраб 2022 йил 27 майдаги 05-05-/448-сонли хати юборилган.

Танловга чиқарилган ер майдонларини электрон платформадан қайтарилишни имкони бўлмаганлиги учун “Ерэлектрон онлайн-аукционларни ташкил этиш маркази” томонидан рад жавоби берилган.

Шу жараён давомида “Чегарачи” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси томонидан фуқароларга деҳқон хўжалик учун қўйилган ер майдони ўзлари таклиф

қилаётган ерга алмаштирилганлигини, фуқароларга очиқ электрон танловда қатнашиши кераклигини билдирган.